

БУХОРО ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ  
БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ  
ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И

2025 йил 26 ноябрь куни, Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси, ўз биносида очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Ш.Қувватов,

Ҳайъат судьялари: Н.Шаропов ва Я.Ниёзовдан иборат таркибда,

судья катта ёрдамчиси Ш.Алмосовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Бухоро вилоят прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори Ж.Тошов, судланувчи Ш.Уралов ҳамда унинг ҳимоячиси - адвокат А.Нутфуллоев ва жабрланувчи Ф.Қўлдошевнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судининг 2024 йил 4 сентябрдаги ҳукмидан норози бўлиб, судланувчи Ш.Уралов ва унинг ҳимоячиси - адвокат А.Нутфуллоев томонидан келтирган кассация шикоят асосида жиноят иши кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судининг 2025 йил 4 сентябрь кундаги ҳукмига кўра:

1981 йил 1 октябрь куни Бухоро вилояти, Шофиркон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзанди бор, Бухоро шаҳар “Журналист ва блогерлар маркази” раҳбари, 2-гурух ногиронлиги бўлган шахс, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2003 йил 8 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, 2003 йил 1 декабрдаги “амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан жазодан озод қилинган;



2) жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2013 йил 17 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 219-моддасининг 2-қисми ва 209-моддасининг 1-қисми билан унга оид жиноят иши 2013 йил 12 декабрдаги “амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган;

3) жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2021 йил 22 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддаси

3-қисмининг “а” банди ва 219-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддасига асосан 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;

4) жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2022 йил 23 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддаси

3-қисмининг “а,б” бандлари ва 219-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 59,60-моддалари тартибида 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, шу суднинг 2023 йил 17 июлдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 75-моддасига асосан ўталмасдан қолган 2 йил 5 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан озод қилинган, судланганлик ҳолати тугалланган, Бухоро шаҳар, “Гулшан” МФЙ, Пиридастгир кўчаси, 11А-уй, 18-хонадонда яшайди, “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси ва суд ҳукми нусхасини муддатида олган Уралов Шерзод Бахронович (Uralov Sherzod Bahronovich)га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми “а” банди билан 1 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ш.Уралов 2025 йил 22 март кунидан 23 март кунига ўтар кечаси соат 00:00 ларда спиртли ичимлик истеъмол қилган маст ҳолатда, қасддан жиноят содир қилиш йўлига ўтиб, “102” қисқа рақамига берилган хабар асосида Бухоро шаҳар, “Гулшан” МФЙ, Пиридастгир кўчаси, 11А-уйга ўз хизмат вазифасини бажариш мақсадида келган Бухоро шаҳар ИИО ФМБ 3-сон ИИБ ХПБ профилактика инспектори Ф.Қўлдошевни қонуний талабларини бажармасдан, жамоат жойида уни шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб, ҳақорат қилиш жиноятини содир қилганликда;

шунингдек, у ўзининг жинойий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2025 йил 22 март кунидан 23 март кунига ўтар кечаси соат 00:10 лардан кейин ўз хизмат вазифасини бажариш мақсадида келган Бухоро шаҳар ИИО ФМБ 3-сон



ИИБ ҲПБ профилактика инспектори Ф.Қўлдошев томонидан хизмат автомашинасида мастлик ҳолатини аниқлаш мақсадида Бухоро вилоят наркология диспансери биносига олиб бориш вақтида йўлда автомашина ичида ҳамда кўрик вақтида спиртли ичимлик истеъмол қилган маст ҳолатда, яна Ф.Қўлдошевни сўкиб, шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб, ҳақорат қилиш жиноятини содир қилганликда айбли деб топилган.

Судланувчи Ш.Уралов ва унинг ҳимоячиси А.Нутфуллоев кассация шикоятини ва судлов ҳайъати мажлисидаги баёнотида, участка нозири гувоҳ Б.Низомовга оқ қоғозга имзо қўйдириб олганлиги ва унинг номидан тушунтириш хатини ўзи ёзганлиги, жабрланувчи Ф.Қўлдошев ҳамда гувоҳлар Д.Барноев ва С.Саидов бир-бирининг кўрсатувларига зид бўлган кўрсатмалар берганлигига суд баҳо бермаганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, жабрланувчи Ф.Қўлдошевдан кечирим сўраганлиги, қилмишидан пушаймонлиги, иккинчи гуруҳ ногирони эканлиги, қандли диабет касали билан даволаниб келиши, уч нафар фарзандининг ёлғиз отаси эканлиги, суд ҳукми билан чекловлар ўрнатилганлиги сабабли ОАВ ходими сифатида фаолият юритишида қийналаётганлигини, оммавий тадбирларда иштирок қила олмаётганлигини, бу эса оиласининг моддий аҳволига таъсир кўрсатаётганлигини инобатга олган ҳолда ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда жазо тайинлашни сўради.

Кассация инстанциясида жабрланувчи Ф.Қўлдошев биринчи инстанция суди томонидан судланувчи Ш.Ураловга нисбатан қонуний ва асосли жазо тайинланганлигини, унга нисбатан даъвоси борлигини инобатга олиб, судланувчи Ш.Уралов ҳамда унинг ҳимоячиси - адвокат А.Нутфуллоев томонидан келтирилган шикоятини қаноатлантirmасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни сўради.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Я.Ниёзовнинг маърузасини, прокурор Ж.Тошовнинг ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, судланувчи Ш.Уралов ва адвокат А.Нутфуллоевнинг кассация шикоятини қаноатлантириш тўғрисидаги фикрларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган ҳужжатларни кассация шикоятини билан биргаликда ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим топади.

Судлов ҳайъати, судланувчи Ш.Ураловнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари,



жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, билдирги, хабарнома, суҳбат ёзиб олинган дискдаги ёзувларни қайд қилиш баённомаси, лингвистик экспертизасининг 2025 йил 7 апрелдаги хулосаси, DVD диск, 2025 йил 19 майдаги хизмат текшируви хулосаси ҳамда жиноят ишида мавжуд далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд мажлисида судланувчи Ш.Уралов участка ноziри гувоҳ Б.Низомовга оқ қоғозга имзо қўйдириб олганлиги ва унинг номидан тушунтириш хатини ўзи ёзганлиги сабабли ИИБ ходимларига ҳам чора кўриш ҳақида кўрсатув берган бўлса-да, судлов ҳайъати унинг бу кўрсатувлари билан келишмайди. Бухоро вилоят ИИБ томонидан Бухоро шаҳар ИИО ФМБнинг айрим ходимларига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган бўлиб, унинг 2025 йил 19 майдаги хулосасига кўра, ИИО ходимлари томонидан хизмат интизоми ва қонунчилик талаблари бузилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо одилона бўлиши, жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши;

42-моддаси 2-қисмида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил

3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг

8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.



Суд, судланувчи Ш.Ураловнинг жиноий ҳаракатини ЖКнинг

140-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилиб, унга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, унинг шахсини, оилавий шароитини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, 2-гурӯх ногиронлиги бўлган шахс эканлигини, жабрланувчининг даъвоси борлигини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, модда санкцияси доираси озодликни чеклаш жазоси тайинлаш ҳақида шахсига мос ва қилмишига яраша озодликни чеклаш жазоси тайинлаш ҳақида асосли хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддасида қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкинлиги кўрсатилган.

Бироқ, биринчи инстанция суди озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида Ш.Ураловнинг зиммасига оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик ҳамда ресторан, кафе, барларга бормаслик каби қўшимча таъқиқ (чеклаш)ларни юклатишда унинг ОАВ ходими, яъни журналист эканлиги ва иш фаолияти оммавий тадбирларда қатнашиш билан бевосита боғлиқ эканлигига эътибор қаратмаган. Жиноят иши юзасидан муҳокама қилинаётган ҳолат эса унинг иш фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир этилмаган.

Шу боис, судлов ҳайъати, биринчи инстанция судининг ҳукмига аниқлик киритиш йўли билан, яъни Ш.Ураловнинг зиммасига юклатилган оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик ҳамда ресторан, кафе, барларга бормаслик каби қўшимча таъқиқ (чеклаш)ларни чиқарган ҳолда суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни, келтирилган шикоятни қисман қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Қайд этилганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 499, 509<sup>7,9-10</sup>-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:



Жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судининг 2025 йил 4 сентябрь кундаги Уралов Шерзод Бахроновичга нисбатан чиқарилган ҳукмига аниқлик киритилсин, яъни судланувчи Ш.Ураловнинг зиммасига юклатилган оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик ҳамда ресторан, кафе, барларга бормаслик каби қўшимча таъқиқ (чеклаш)лар чиқарилиб, ҳукм ўзгаришсиз қолдирилсин.

Кассация шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Ажримдан норози томонлар Бухоро вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

/имзо/

Ш.Қувватов

Ҳайъат аъзолари

/имзо/

Н.Шаропов

/имзо/

Я.Ниёзов

Нусхаси аслига тўғри

Я.Ниёзов

**Маърузачи: Ниёзов Яшин Комилжонович**

